

ЖАДИД ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАР ПАРТИЯСИ ФАОЛИЯТИ ВА ДАСТУРИ ҲАҚИДА

Бурхонов Равшан Бурхонович

Ўзбекистин Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети
2-босқич магистранти. Электрон почта: prince.turan1@gmail.com

Телефон рақами: +998 (90) 125-07-09

Аннотация: Уибу мақола Туркистан ўлкасида фаолият юритган “Жадид тараққиийпарварлар” партиясининг фаолияти ҳақида қисқача маълумотлар келтириб ўтилган. Мақола “Жадид тараққиийпарварлар” партиясининг дастурида келтирилган бандлар юзасидан муаллиф фикрини акс эттиради. “Жадид тараққиийпарварлар” партиясининг сиёсий фаолиятини бугунги кун сиёсий жараёнларига қиёсий солиштирувани амалга оширади. “Жадид тараққиийпарварлар” партиясининг ўлка ривожи учун қилмоқчи бўлган асосий вазифалари ҳамда қўзлаган режсаларининг партия дастурида акс эттиришини таҳлил этади. Мен изланишларим давомида жуда кам маълумот тўплай олдим. Уибу мавзуларда тадқиқот ишлари давом этмоқда.

Калим сўзлар: Жадидлар, жадид тараққиийпарварлар партияси, Туркистан, XX аср Туркистан ўлкаси, Аҳмад Закий Валидий, Россия империяси

Жадидларни барчамиз марифатпарвар, зиёли сифатида биламиз, аммо уларнинг сиёсий фаолияти ҳақида деярли гапирилмайди. XX асрнинг биринчи чораги жаҳон майдонида юзага келган кескин ўзгаришлар, дунё харитасининг буюк давлатлар томонидан қайта тақсимланиши, юртимиз Туркистанни ҳам четлаб ўтмади. Ушбу қалтис вазиятда фақатгина ма’рифатпарварлик билан юрт мустақиллигини сақлаб қолишининг имкони бўлмаганлиги туфайли, Россия империясининг вассалига айланган Туркистан ўлкасида жадидлар кенг сиёсий ҳаракатлар олиб боришни бошлаб юборишиди. Жадидларнинг йирик номоёндаларидан бири бошқирдистонлик Аҳмад Закий Валидийнинг қайд этишича:

“Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Туркистонда келажакда биринчиси радикал миллий ва иккинчиси социалистик бўлган икки партияли тизим идораси фикри чет мамлакатлар таъсири билан изоҳланмайди. 1921-йилда Туркистондаги турли қавм ва қабилаларнинг бошлиқлари ва зиёлилари узоқ маслаҳатлашиб , турли жойлардаги кўп турли шартларни ҳисобга олганларидан сўнг, юқоридагига ўхшаш икки партияни тузиш керак, деган фикрга келадилар. Англиядаги ёки Америкадаги икки партияли тартиботдан Туркистан раҳбарлари хабардор эмас эдилар” [1]

Қайд этиш жоизки, жадидларнинг сиёсий ғоясига кўра, Туркистонни идора этишнинг энг мақбул усули монархия ҳам, президентлик республикаси ҳам эмас аксинча парламентар республика ҳисобланган ва унинг тамойиллари том демократик бошқарувга асосланиши керак эди. Шу сабабли жадидлар Туркистоннинг этник келиб чиқиши ҳамда ўлкадаги европаликларнинг ҳаёт тарзини ҳисобга олган ҳолда сиёсий фаолият олиб борувчи иккита партия тузишган. Улардан бири консерватив қарашларга таянувчи, электоратининг асосини радикал диндорлар ташкил этувчи “Жадид тараққийпарварлар” партияси ҳамда социал ғояларни қўллаб-қувватловчи “Ерк” партияси эди. Кейинчалик эса этник қозоқлар таъсири остида “Алаш Ўрда” партияси ҳам ташкил этилди.

Ушбу партиялар ҳақида манбаларда етарлича маълумотлар мавжуд эмаслиги туфайли бу партиялар ўзбек китобхонлари учун мавҳум бўлиб қолди. Айрим манбаларнинг такидлашича “Жадид тараққийпарварлар” партиясининг ғоялари Туркиядаги Анвар Поншо бошлилик қилувчи “Иттиҳод ва тараққий” партияси ғоялари билан ҳамоҳанг бўлган.

“Туркистон жадидларининг Туркиядаги иттиҳод ва тараққий оқими билан танишувлари баъзи аъзоларнинг ўша Истанбулга келиб, ўқиб юрган пайтларидан бошланган. У йилларда сulton иккинчи Абдулҳамидни четга суриб, Усмонли империяси ҳукуматини эгаллаган иттиҳод ва тараққий партияси айни кучги тўлган чоғъи эди.” [2]

Туркиядаги инқилобий ҳаракатларнинг намоёндалари билан Туркистон жадидчилик гўяси етакчиларининг бир дорулфунунда таҳсил олиши, туркистонликларда ҳам Европа сингари тараққий этган давлат тузиш ғояларини шакллантирган. Ушбу фикрлар эса тузилажак “Жадид тараққийпарварлар” партиясининг дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

“18. Туркистонда энг аввало хунар мактаблари йўлга қўйилажак. Оврупага ўқувчилар юборишга аҳамият берилажак.” [3]

Европа сингари ривожланган давлат тузиш учун, аввало европадаги сингари саноатга эга бўлиш зарур эди. Европа саноати эса, Европа даражасидаги таълимни ривожлантириш заруратини юзага келтиради. XIX асрдаги қолоқ ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳамда мустамлакачилик зулми, эски диний радикал қарашлар остида дунёвий фанларни жорий қилиш, саноат инқилобига эришишнинг фактик иложи йўқ эди. Шу сабабли жадидлар дастлаб туркистонлик ёшларни Туркияга, кейинги босқичда эса Германияга таҳсил олиш учун жўнатишиди. Айни шу жараёнлар кечеётган бир пайтда Туркиядаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туркистонлик жадидлар учун ҳам янгилик бўлиб бир мусулмон ўлкасида бўлаётган ўзгаришларни иккинчи бир мусулмон оламида ҳам синаб кўриш фикрини уйғотди. Ана шундай инқилобий ғоялар билан суғорилган, Туркистонда ташкил этилган

“Жадид Тараққийпарварлар” партияси ўз олдига мамлакатни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадини қўйди ва ўзининг 19 бандли партия дастурини тузди. Ушбу партия дастурининг қисқача мазмуни Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг “Хотиралар”ида сақланиб қолган бўлиб у 19 банддан иборат. Партия дастурида қўйидагилар такидланган:

“...миллий маданиятга эга бўлиш... Миллат бирлиги тил, дин, адабиёт, урф-одатлар бирлигига асосланади”. [4]

Жадидларнинг асосий мақсади ҳам миллатни бирлаштириш, ягона хукумат, ягона тил, ягона дин, адабиёт, урф-одат ва маданият бирлигига эришиш бўлган. Шу сабабли ягона хукумат ташкил этиш учун унинг гъоявий асослари зарур эди. “Жадид тараққийпарварлар” партияси ўз дастурларида ана шу “миллат бирлиги” гоясини илгари сурган. Бирлик эса аввало тил ва маданият бирлиги асосида қурилади. Минг йиллардан бўён бир қавм бир элат бўлиб яшаб келаётган туркий ва форсийларни бирлаштириш мана шу жойга келганда кескин тус олади. Чунки ҳар икки ҳалқлар ҳам ўзининг тилига эга эди. Шу сабабли жадидлар чигатой туркий тилининг сарф ва навфини тушиб чиқишиди. Бу ишлар ҳам айни дамда сиёсий мақсадларни кўзлаган эди.

“2.Озод Туркистонда давлат тузилиши ва идораси жумхурият шаклида бўлиб, ҳомият асосини демократия йўли билан сайланган миллат мажлиси ёки вилоят ва шаҳарларда вилоят ҳамда шаҳар мажлислари (земство) ташкил қилинади”. [5]

Демак партия дастурига биноан мустақил Туркистон давлатининг бошқарув шакли парламентар република бўлиши керак эди ва мамлакат вилоят ҳамда шаҳар сингари ҳудудий бирликлар орқали бошқарилиши такидланган эди. Ҳозирги даврда, мамлакатимиз бошқарувида ушбу партия дастурининг айрим аломатларини учратиш мумкин. Ҳукумат таркиби Олий Мажлис (жадидларга кўра миллат мажлиси) томонидан шакллантирилади, ҳудудий бошқарув органларида ҳам ҳудудий кенгашлар фаолият юритади. Жадидларнинг аксарият қисми Европа ҳамда Туркияда таҳсил олганликлари, дунёвий илмларни мукаммал билганликлари ҳолда Европа ва Америкадаги сингари давлат бошқарувига эга бўлиш ғояларини илгари суришлари табиий эди. Аммо, Туркистоннинг бўлажак икки партиявий тизими Америка ёки Британиянинг қўшпартиявийлик тизимидан қўчирма эмас эди. Чунки, бу даврда Туркистон зиёлилари Америка ва Британия партиялари ҳақида маълумотга эга бўлмаганлар. Жадидларнинг ҳеч бир давлат партия тизимидан қўчирма нусха олмаганлигини Аҳмад Закий Валидий ўз хотираларида эслатиб ўтган:

“Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Туркистонда келажакда биринчиси радикал миллий, иккинчиси социалистик бўлган икки тартибда партия (идораси) фикри чет таъсири билан тушунтирилмайди.

... Англиядаги ёки Америкадаги икки партияли тартиботдан Туркистон раҳбарлари хабардор эмас эди.” [6]

Жадидлар ана шундай ақл-заковат соҳиби бўлганларки, ҳеч бир андозаларсиз икки партиявий тизим мамлакатни тараққиётга етаклашишига ишонганлар. Бунинг исботини эса жаҳон ҳамжамияти мисолида кўриш мумкин. Икки партиявийлик тизимининг ёрқин мисоли эса АҚШдаги “консерваторлар” ҳамда “республикачилар” партияларидир.

Жадид тараққийпарварлар партияси мамлакатни ривожлантириш учун аввало саноатни ривожлантириш зарурлигини яхши билган. Тарихан аграр мамлакат бўлиб келган Туркистонни индустрисал мамлакатга айлантириш учун, аввало малакали ишчилар зарур эканлиги партия дастурида ўз ифодасини топган. Жадидлар ушбу ишни амалга ошириш учун Туркистонлик ёшларни Европа мамлакатларида ўқитишиди. Нафакат ўқитишиди, балки талабалар Оврупа мамлакатлари эришган ютуқларни Туркистон шароитага мослаштириш ҳамда атамаларни чигатой-туркийчасига ўгириш сингари вазифаларни ҳам қўйишиди. Туркистонлик талабалар кейинчалик ватанга қайтиб, Ўзбекистон ССР саноатининг турли соҳаларида ишлашди. Аммо, йирик ўзгаришлар қила оладиган, малакали кадрлар Сталин қатағонининг қурбонига айланиб кетишиди.

Умумий олганда жадидлар ва уларнинг сиёсий фаолияти ўлка ривожи учун янги ренессанс бўлиб хизмат қилган. Жадид тараққийпарварлар партияси дастурида ўлкани ҳали ҳануз қийнаб турган муаммолар, жўмлада: тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одат бирлиги, ҳукumat бошқарувининг демократлашиши, ижро ҳокимиятидан мустақил миллат мажлисини ташкил этиш, турли миллат ва элатларнинг тотувлигини таминлаш, ҳарбий хизматни ўташ, ички тартиб-интизомни сақлаш учун полиция тизими, виждон эркинлиги, сўз эркинлиги, солиқ тизими; ер, ер усти, ер ости бойликларидан фойдаланиш масалалари, ташқи иқтисодий муносабатлар, минтақадаги сув масалалари, кўчманчи ҳалқларнинг ўтроқлашуви, урбанизацияни ривожлантириш, адлия, маъориф, фан ва таълим тизими, маданий ёдгорликлар ҳимояси, Европага кадрлар жўнатиш ва саноатни ривожлантириш масалалари алоҳида такидланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Адолат. Тошкент. 1997. 113-114-бетлар. А.З.Валидий “Бўлинганни бўри ер” Туркистон ҳалқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар.
2. Тафаккур. Тошкент. 2017. 86-бет. Аҳад Андижоний “Туркистон учун кураш”.

3. Адолат. Тошкент. 1997. 113-бет. А.З.Валидий “Бўлинганни бўри ер” Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар.
4. Адолат. Тошкент. 1997. 111-112-бетлар. А.З.Валидий “Бўлинганни бўри ер” Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар.
5. Адолат. Тошкент. 1997. 112-бет. А.З.Валидий “Бўлинганни бўри ер” Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар.
6. Адолат. Тошкент. 1997. 114-бет. А.З.Валидий “Бўлинганни бўри ер” Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар.
7. Назирова, З. Р. (2021). ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ОПТИМИЗАЦИИ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА СТУДЕНТАМ ВЕТЕРИНАРНОГО ВУЗА НА ОСНОВЕ ИКТ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(3), 629-633.
8. Rajabova, S. A., & Normurodova, Q. T. (2024). OROL BO'YI XUDUDLARINING SHO'RLANGAN VA QURG'OQCHIL TUPROQLARINI QAYTA TIKLASHDA BIOPREPARATLARDAN FOYDALANISH. TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G 'OYALAR, 1(1), 114-116.
9. Абдулазизова, С. М., & Мадрахимова, З. Ф. (2024). ВАЖНОСТЬ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ. YANGI O 'ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI, 1(3), 94-96.
10. Мадрахимова, З. Ф. (2023). СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА В ВУЗЕ. MODERN EDUCATIONAL SYSTEM AND INNOVATIVE TEACHING SOLUTIONS, 1(1), 94-97.
11. Мадрахимова, З. Ф. (2024). Литературные Загадки В Детской Поэзии: Описание, История Создания. Journal of Innovation in Education and Social Research, 2(1), 166-171.